

ШАРТНОМА
(Хукукий ёрдам хизматини кўрсатиш тўғрисида)

2022 йил 19 май

№ Н-8-04/01

Тошкент шаҳри

Etender.uzex.uz давлат харидлари порталида эълон қилинган танлов (лот раками 22110012079965) натижалари, 17.05.2022 йилдаги харид комиссияси баённомасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) директори в.в.б. С.Буриев бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” миллий хукукий ахборот маркази (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) директори Ф.Тожиев иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1.1 “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг топшириғига асосан шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган ишларни амалга ошириш (кейинги ўринларда-ишларни бажариш), “Буюртмачи” эса тарафларнинг келишувига асосан шартнома суммаси деб белгиланган 66 337 716 (олтмиш олти миллион уч юз ўттиз етти минг етти юз ўн олти) сўмни тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Ижрочи” қуйидаги ишларни бажаради:

№	Тайёрланадиган лойиҳа номи	Жами	ҚҚС (15%)	Жами (ҚҚС билан)
1	“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни	15 755 999,9826	2 363 399,9974	18 119 399,98
2	Вазирлар Маҳкамасининг “Табиат химоячиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги қарори	15 284 385,2173	2 292 657,7827	17 577 043
3	Вазирлар Маҳкамасининг ““Яшил макон” электрон платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори	15 494 011,3391	2 324 101,7009	17 818 113,04
4	“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” қарор	11 150 574,1565	1 672 586,1235	12 823 160,28
Жами:		57 684 970,6955	8 652 745,6045	66 337 716,3

1. Буюртма бериш ва ишларни бажариш муддатлари

2.1. “Буюртмачи” ўз буюртмасини шартнома тузилган кундан сўнг бир иш кунида ёзма тарзда, электрон почта манзили орқали ёки хабарноманинг қайд этилишини таъминловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборади. “Ижрочи” буюртма келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунида ишларни бажаришга киришади ҳамда йигирма иш куни муддатида ишларни бажариб “Буюртмачи”га ёзма ҳамда электрон кўринишда топширади.

3. Ишларни топшириш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. “Ижрочи” томонидан тайёрланадиган лойиҳалар учун тўловнинг дастлабки 30 % қисми шартнома имзоланганидан сўнг уч иш куни ичида, тўловнинг қолган 70% қисми

“Ижрочи” томонидан бажарилган ишлар далолатномасига асосан топширилганидан сўнг уч иш куни ичида “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.

3.2. Лойиха тайёрланиб, “Буюртмачи”га тақдим этилганидан сўнг бир иш кунида тарафлар ўртасида бажарилган ишларнинг ҳажми ва баҳоси кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади.

4. Тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

4.1 “Буюртмачи”нинг ҳуқуклари:

- а) Қайси соҳалар бўйича буюртма бериш масаласини мустақил равишда ҳал қилиш;
- б) Бажариладиган ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Қонуни талабларига ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос равишда бажарилишини талаб қилиш;
- в) Бажарилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар олиб туриш;
- г) “Ижрочи”нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишларнинг бориши ва сифатини текшириш;
- д) Ишларни бажариш жараёнида фойдаланиш учун тақдим этган ҳужжатлар ва бошқа товар-моддий бойликлар ишлар тўлиқ бажарилганидан сўнг қайтарилишини талаб қилиш;
- е) хизматлар тўлиқ миқдорда ва белгиланган муддатда топширилишини талаб қилиш;
- ж) “Ижрочи” томонидан бажарилган ишларни умумлаштириш, уларни ўз фаолиятида қўллаш;

4.2. “Буюртмачи” қуйидагиларга мажбур:

- а) Буюртмаларни шартномада белгиланган муддатларда “Ижрочи” га топшириш ва бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;
- б) “Ижрочи”нинг сўровига кўра ўзининг соҳага оид ҳужжатлари ва моддий-техник базасидан фойдаланишига имкон яратиб бериш;
- в) “Ижрочи”нинг сўровига кўра ишларни бажариш жараёнига ўзининг тегишли соҳа бўйича ходимларини жалб қилиш;
- г) кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларни шартномада белгиланган тартибда ва муддатда амалга ошириш;

4.3 “Ижрочи” қуйидаги мажбуриятларга эга:

- а) Ишларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш;
- б) Ишлар бажарилаётган соҳа бўйича ривожланган давлатларнинг қонунчилик ҳужжатларини ва тажрибасини ўрганиш;
- в) Ишларни юридик-техник жиҳатдан тўғри расмийлаштириш;
- г) Лойиҳалар билан бирга уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш;
- д) “Буюртмачи”нинг сўровига асосан бажарилаётган ишлар тўғрисида унга маълумот бериш;
- е) Ишларни бажариш жараёнида фойдаланиш учун “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва бошқа товар-моддий бойликларни ишлар тўлиқ бажарилганидан сўнг “Буюртмачи”га қайтариш;
- ж) “Буюртмачи” томонидан шартномада белгиланган муддатда ва тартибда берилган буюртма юзасидан ишларни белгиланган муддатларда бажариш;

4.4. “Ижрочи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича топширик шартномада белгиланган муддатда ва тартибда берилишини талаб қилиш;

б) Зарурат юзага келганда ишларни бажаришда буюртмачининг хужжатлари ва моддий-техник базасидан фойдаланиш;

в) “Буюртмачи”нинг ишлар бажарилаётган соҳа буйича ходимларидан соҳага оид маълумотларни олиш;

г) Буюртмани бажариш учун лозим буладиган тегишли ҳуқуқ соҳаси вакилларини мустақил равишда жалб қилиш, уларнинг хизматларидан фойдаланиш;

д) “Буюртмачи”га топширилган ишлар буйича тўловлар шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда амалга оширилишини талаб қилиш.

5. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.

5.1. Шартнома томонлар имзолаган кундан эътиборан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугасада, тарафлар шартноманинг амал қилиш муддати давомида зиммаларига олган мажбуриятларни тўлиқ бажарадилар.

5.2. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Қўшимча келишув ёзма шаклда тузилиб, тарафлар имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Агарда енгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар (форс-мажор), масалан: сув тошқини, ёнғин, zilзила, эпидемия, ҳарбий можаролар, томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришига таъсир кўрсатувчи ҳукумат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа мажбурий қарорлар, ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита намоён бўлган тақдирда, шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаш муддатигача узайтирилади.

6.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон уч кун ичида бошқа томонларни форс-мажор ҳолатининг бошланиш ва тугаш муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

6.3. Агар форс-мажор ҳолати ижара шартномасининг шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат талаб қилса, томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Томонлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йули билан ҳал этадилар.

7.2. Шартнома юзасидан низолар музокаралар йули билан ҳал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан суд тартибида ҳал этилади.

7.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.4. Узаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф юборган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур ҳужжатларда кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

7.5. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топширилиши, электрон почта манзилига ёки почта алоқа хизмати орқали юборилиши мумкин.

7.6. Мазкур шартнома ва унинг иловаси бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

8. Тарафларнинг жавобгарлиги

8.1. “Буюртмачи” тўловларни амалга ошириш тартиби ва муддатига риоя қилмаган ҳолларда ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.1. “Ижрочи” ишларни шартномада белгиланган муддатда бажармаган ҳолларда, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

8.2. Етказилган зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш тарафларни ўзларига юклатилган мажбуриятларни тўлик бажаришдан озод қилмайди.

8.3. Тарафларнинг ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

9. Қўшимча шартлар ва яқунловчи қоидалар

9.1. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда ёки тарафларнинг талабига қўра муддатидан олдин бекор қилинганда “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га берилган ҳужжатлар, моддий-техника жиҳозлари топшириш-қабул қилиш ҳужжатларига асосан топширилади.

9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиққан ва ўзаро музокаралар натижасида ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати томонидан қўриб чиқилади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти

Манзил: Тошкент шаҳар, Бунёдкор шох кўчаси, 7а-уй

ЎзР Молия вазирлиги Ҳазначилиги


Х/р: 23402000300100001010

л/с: 4001 1086 0262 9470 5530 0144 001

Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси

МҲО – 00014, **ИНН** – 201 122 919

ИНН 305028989 **ОКЕД** 72190


С.Буриев
М.Ў.



Ижрочи:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси

Манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шох кўчаси, 19-уй

Х/р: 20212000300125676003

“Микрокредитбанк” АТБ Бош офиси,


МҲО 00433, **ИНН** 201453166,

ОКЭД 63110, **РКП НДС:** 326010014912




Ф.Тожиёв
М.Ў.



4. 

**“Табиат ҳимоячиси” кукрак нишонини таъсис этиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳамда Низоми
лойиҳасининг тайёрлаб бериш бўйича бажарилган ишлар**

КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

№	Бажариладиган иш номи	Ишларни бажариш учун сарфланадиган вақт миқдори (соат ҳисобида)*	Сарфланадиган вақт учун ҳисобланадиган пул миқдори (сўмда)
1	Қонунчиликнинг ҳолатини, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини урганиш	24 соат	1 180 056
2	Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган бушлиқлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга булган ижтимоий эҳтиёжни, қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш	22 соат	1 081 726
3	Ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаш нуқтаи назаридан қонунчиликни хатловдан ўтказиш	20 соат	983 380
4	Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш	10 соат	491 690
5	Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини, шунингдек бошқа давлатларнинг норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланаётган соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибасини урганиш	28 соат	1 376 732
6	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предметиға тааллуқли илмий тадқиқотлар натижаларини, оммавий ахборот воситаларидаги, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги мақолаларни ва бошқа ҳужжатларни урганиш;	12 соат	590 028

7	Қарор ва Низом тартибга соладиган муносабатларни аниқлаш. Тартибга солиш доирасининг аниқ чегараларини белгилаб олиш. Ухшаш муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини ўрганиб чиқиш.	22 соат	1 081 718
8	Тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш	22 соат	1 081 718
9	Қарор ва Низом лойиҳасини, кўкрак нишони намунасини ишлаб чиқиш	62 соат	3 048 478
10	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан тушунтириш хати, солиштирма жадвал ва лойиҳани асословчи бошқа ҳужжатларни тайёрлаш. Лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун расмийлаштириш	40 соат	1 966 760
Жами:		262	12 882 286
Шу жумладан бошқа турдаги харажатлар			
Харажат тури		Миқдори	
Солиқ ва бошқа коммунал харажатлар жами		4 694 757	
Жами		17 577 043	

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти

Директор

С.Буриев



Ижрочи:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси

Директор

Ф.Тожиёв



**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш ва
уларни ижтимоий ҳимоя қилиш туғрисидаги Буйруқ ва Низом
лойиҳасини тайёрлаб бериш бўйича бажарилган ишлар**

КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

№	Бажариладиган иш номи	Ишларни бажариш учун сарфланадиган вақт миқдори (соат ҳисобида)*	Сарфланадиган вақт учун ҳисобланадиган пул миқдори (сўмда)
1	Қонунчиликнинг ҳолатини, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганиш	20 соат	983 380
2	Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган бушлиқлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш	21 соат	1 032 549
3	Ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаш нуқтаи назаридан қонунчиликни хатловдан ўтказиш	22 соат	1 081 718
4	Бошқа вазирлик ва давлат идораларининг ушбу соҳадаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиб чиқиш. Ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилиш	22 соат	1 081 718
5	Тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш;	22 соат	1 081 718
6	Буйруқ ва Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	52 соат	2 556 788
7	Буйруқ ва Низом лойиҳасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мослигини ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш. Лойиҳаларни асослаб бериш ва тақдим қилиш	32 соат	1 573 408
Жами:		191	9 391 279
Шу жумладан бошқа турдаги харажатлар			
	Харажат тури	Миқдори	
	Солиқ ва бошқа коммунал харажатлар жами	3 431 881,28	
	Жами	12 823 160,28	

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти

Директор  С.Буриев

Ижрочи:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси

Директор  Ф.Тожиев

**Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида хизмат
курсаётган эколог” фахрий унвонини таъсис этиш туғрисида”ги
Қонуни лойиҳасини тайёрлаб бериш бўйича бажарилган ишлар**

КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

№	Бажариладиган иш номи	Ишларни бажариш учун сарфланадиган вақт миқдори (соат ҳисобида)*	Сарфланадиган вақт учун ҳисобланадиган пул миқдори (сумда)
1	Қонунчиликнинг ҳолатини, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини урганиш	24 соат	1 180 056
2	Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир курсатаётган бушлиқлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш	22 соат	1 081 726
3	Ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаш нуктаи назаридан қонунчиликни хатловдан утказиш	20 соат	983 380
4	Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш	10 соат	491 690
5	Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини, шунингдек бошқа давлатларнинг норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланаётган соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибасини урганиш	30 соат	1 475 070
6	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети тааллуқли илмий тадқиқотлар натижаларини, оммавий ахборот воситаларидаги, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги мақолаларни ва бошқа ҳужжатларни урганиш;	12 соат	590 028

7	Лойиҳаси тайёрланаётган Қонун билан бекор қилинадиган ёки узгартириш ва қўшимчалар киритиладиган ҳужжатларни аниқлаш, уларга киритиладиган узгариш ва қўшимчалар матнини тайёрлаш	28 соат	1 376 732
8	Тартибга солиш таъсирини баҳолашдан утказиш;	22 соат	1 081 718
9	Қарор ва Низом лойиҳасини, фахрий унвон намунасини ишлаб чиқиш.	62 соат	3 048 478
10	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан тушунтириш хати, солиштирама жадвал ва лойиҳани асословчи бошқа ҳужжатларни тайёрлаш. Лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан утказиш учун расмийлаштириш	40 соат	1 966 760
Жами:		270	13 275 630
Бошқа турдаги харажатлар			
	Харажат тури	Миқдори	
	Солиқ ва бошқа коммунал харажатлар жами	4 843 769	
	Жами	18 119 399,98	

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти

Директор



С.Буриев

М.Ў.

Ижрочи:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси

Директор



Ф.Тожиев

М.Ў.

**«Яшил макон» электрон платформасини жорий этиш чора-тадбирлари
туғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳамда Низоми лойиҳасини
тайёрлаб бериш бўйича бажарилган ишлар**

КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

№	Бажариладиган иш номи	Ишларни бажариш учун сарфланадиган вақт миқдори (соат ҳисобида)*	Сарфланадиган вақт учун ҳисобланадиган пул миқдори (сўмда)
1	Қонунчиликнинг ҳолатини, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети бўйича қулланилиш амалиётини урганиш	24 соат	1 180 056
2	Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган бушлиқлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга булган ижтимоий эҳтиёжни, қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш	22 соат	1 081 726
3	Ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаш нуқтаи назаридан қонунчиликни хатловдан утказиш	20 соат	983 380
4	Лойиҳа тайёрланаётган соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини урганиш, умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш	12 соат	590 028
5	Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини, шунингдек бошқа давлатларнинг шу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибасини урганиш	30 соат	1 475 070
6	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предметиға тааллуқли илмий тадқиқотлар натижаларини, оммавий ахборот воситаларидаги, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги мақолаларни ва бошқа ҳужжатларни урганиш;	10 соат	491 690
7	Лойиҳаси тайёрланаётган Қарор ва низом билан бекор қилиниши ёки узгартириш ва	14 соат	1 376 732

	қушимчалар киритилиши мумкин бўлган ҳужжатларни таҳлил қилиш.		
8	Тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда Қарор ва Низом тартибга соладиган муносабатларни ва қулланиш доирасини аниқлаштириш.	10 соат	491 690
9	Тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш;	22 соат	1 081 718
10	Қарор ва Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	62 соат	3 048 478
11	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан тушунтириш хати, солиштирма жадвал ва лойиҳани асословчи бошқа ҳужжатларни тайёрлаш. Лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун расмийлаштириш	40 соат	1 966 760
Жами:		266	13 078 954
Бошқа турдаги харажатлар			
	Харажат тури	Миқдори	
	Солик ва бошқа коммунал харажатлар жами	4 739 159,04	
	Жами	17 818 113,04	

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қумитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти

Директор

С.Буриев



Ижрочи:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси

Директор

Ф.Тожиев





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI QOSHIDAGI "ADOLAT" MILLIY HUQUQIY
AXBOROT MARKAZI"**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI QOSHIDAGI "ADOLAT" MILLIY HUQUQIY
AXBOROT MARKAZI"**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.11.2002

004542-04

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

201453166

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Muassasa

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, AMIR TEMUR SHOX KO'CHASI, 19-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



“TASDIQLAYMAN”
Atrof-muhit va tabiatni
muhofaza qilish texnologiyalari
ilmiy-tadqiqot
instituti direktori v.v.b.



S.Buriyev

2022 yil “19” may

**Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot institutining tanlov
komissiyasi yig'ilishi**

Bayonnomasi № 1

2022 yil 19-may

Toshkent shahri

Raislik qiluvchi: Aminov X.X.

Hay'at kotibi: Atajanova D.A.

**Hay'at komissiyasi
a'zolari:** Kamilov SH.E.

K U N T A R T I B I:

Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot institutining Davlat Xaridi bo'yicha Komissiyaning 2022-yil 29-apreldagi Eng yaxshi taklifga qo'yilgan № 22110012079965-sonli lot raqam bilan “Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari, boshqa huquqiy va boshqaruv hujjatlari namunalarini tayyorlash” bo'yicha bayonnomani muhokama qilish to'g'risida.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to'g'risida”gi 684-sonli qonuning 7-bob 62-moddasi hamda Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot institutining 17-maydagi bayonnomasi belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida yig'ilish.

YIG'LISH QAROR QILADI:


1. Davlat xaridlarining elektron tizimga muhokama qilish uchun ikki ish kuni ichida tanlash ishtirokchilari tomonidan tanlov o'tqazish natijalari bo'yicha e'tirozlar kelib tushmaganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. “Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari, boshqa huquqiy va boshqaruv hujjatlari namunalarini tayyorlash” to'g'risidagi hujjatlarni tayyorlash uchun Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot instituti O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI QOSHIDAGI ADOLAT" MILLIY HUQUQIY AXBOROT MARKAZI o'rtasida 66 337 716.30 (oltmish olt million uch yuz o'ttiz yeti ming yrtti yuz o'n olti) so'm 30 tiyinga QQS bilan shartnoma imzolashga qaror qildi.

3. Moliya-iqtisodiyot bo'limi (N.Muazzamova) uch kun muddatda O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI QOSHIDAGI "ADOLAT" MILLIY HUQUQIY AXBOROT MARKAZINI "Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari, boshqa huquqiy va boshqaruv hujjatlari namunalarini tayyorlashdagi hujjatlarni tayyorlash bo'yicha shartnoma tuzib, o'rnatilgan tartibda moliyalashtirsin.


4. Mazkur bayonnoma ijrosini nazorat etishni o'z zimmamda qoldiraman.

Komissiya raisi Ilmiy ishlar bo'yicha
direktor o'rinbosari




Aminov X.X.

Komissiya a'zosi Ekologik me'yorlashtirish
va ekologik
normativlar loyihalarini
ishlab
chiqish bo'limi boshlig'i



Kamilov SH.E.

Komissiya kotibi Devonxona mudiri



Atajanova D.A.